

Жунуб ҳолатда азон ва иқомат айтиш

Image not found or type unknown



14:00 / 03.03.2024 4510

Жунуб ҳолатда, яъни ғусл вожиб бўлган ҳолатда азон ва иқомат айтиш макруҳи таҳримийдир. Агар бирор киши жунуб ҳолатда азон айтса, иккинчи мартаба азон айтиш мустаҳабдир. Жунуб ҳолатда иқомат айтса, иккинчи мартаба иқомат айтилмайди, чунки азонни икки мартаба айтишлик собитдир, жуманинг азониға ўхшаш. Лекин иқоматни икки мартаба айтиш собит эмасдир.

«Жунуб одамнинг азон ва иқомат айтиши макруҳдир. Таҳоратсиз одамнинг иқомати макруҳ, азони эмас. Жунуб одам айтган азонни қайтариш мустаҳаб, иқоматини эмас». («Раддул мухтор»)

Тикка туриб азон ва иқомат айтиш

Азон ва иқоматни тикка туриб айтиш суннатдир. Чунки осмондан тушган

фаришта шундай қилиб азон ва иқомат айтган.

Ҳазрат Воил ибн Ҳужр розияллоҳу анҳу айтадилар: «Кишининг таҳоратли ҳолатдагина азон айтиши ва тикка турган ҳолатдагина азон айтиши зарурий ва суннати муаккададир».

Имом Байҳақий «Сунани кубро»да ривоят қилган.

Ўтириб ёки уловга миниб азон ва иқомат айтиш

Ўтириб азон ва иқомат айтиш макруҳдир. Лекин ёлғиз киши ўзи учун ўтириб азон айтиши макруҳ эмас. Шунингдек, муқим киши уловда ўтириб азон ва иқомат айтиши ҳам макруҳдир. Мусофир шошилиб кетаётган ҳолатда, улов қиблага юзланган бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, уловда ўтириб азон айтиши жоиз.

Лекин уловни устида иқомат айтиш ҳар қандай ҳолатда ҳам макруҳдир. Чунки иқоматдан кейин намоз адо қилинади, фарз намозни эса жониворни устида ўқиш жоиз эмас.

Ҳасан розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бир сафарда ҳазрат Билол розияллоҳу анҳуга азон айтишликка буюрдилар. У киши уловларининг устида азон айтдилар. Кейин ҳаммалри уловда тушиб, икки ракат (бомдодонинг суннатини) ўқидилар. Сўнгра Билолга амр этиб, такбир айттирдилар ва уларга бомдод намозини ўқиб бердилар».

Имом Байҳақий «Сунани кубро»да ривоят қилган.

«Азон одоблари ва аҳкомлари» китоби асосида тайёрланди.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 17 июндаги 03-07/4936-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.